

**Мансурхон Камалов Мухтарович,**

ю.ф.н., доц.

Тошкент давлат юридик университети  
проректори

*Келиб тушган сана 10 апрель, 2018  
Эълон қилинган сана 25 июнь, 2018.*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-3-5>

## **АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ИЖРОИЯ ОРГАН ВАКОЛАТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИГА БЕРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

**Аннотация:** *Мазкур мақолада акциядорлик жамияти ижроия органи ваколатларини ишончли бошқарувга бериш шартномаси, унинг мазмуни ва шакли, ҳуқуқий табиати ёритилган. Муаллиф кўплаб ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари, миллий ва хорижий қонунчиликни таҳлил этган ва шу жиҳатдан бу турдаги ишончли бошқаришга оид қоидалар миллий қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозимлигини асослантирган.*

**Калит сўзлар:** *Акциядорлик жамияти, ижроия органи, ишончли бошқариш шартномаси, тижорат ташкилоти, шартнома шартлари, бошқарув ваколатлари, қундалик фаолият.*

---

**Мансурхан Камалов Мухтарович,**

к.ю.н., доц.

Проректор, Ташкентский государственный  
юридический университет

## **ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ПЕРЕДАЧИ ПОЛНОМОЧИЙ ИСПОЛНИТЕЛЬНОГО ОРГАНА ДОВЕРИТЕЛЬНОМУ УПРАВЛЯЮЩЕМУ АКЦИОНЕРНОГО ОБЩЕСТВА**

**Аннотация:** *Данная статья рассматривает договор по доверительному управлению полномочий исполнительного органа акционерных обществ, содержание и форму договора и его юридический характер. Автор утверждает, что мнения многих юристов основаны на национальном и иностранном законодательстве. И в этой связи правила касательно доверительного управления должны найти свое отражение и в национальном законодательстве.*

**Ключевые слова:** *Акционерное общество, исполнительные органы, договор доверительного управления, торговая организация, условия договора, полномочия управления, повседневная деятельность.*

**Mansurhan Kamalov Mukhtarovich,**

Ph.D., Assoc.  
Pro-rector, Tashkent State University of Law

## **LEGAL REGULATION OF THE TRANSFER OF POWERS OF THE EXECUTIVE BODY OF THE TRUSTEE OF THE JOINT-STOCK COMPANY**

**Annotation:** *This article considers the agreement on trust management of the powers of the executive body of joint-stock companies, the content and form of the contract and its legal nature. The author claims that the opinions of many lawyers are based on national and foreign legislation. In this regard, rules regarding trust management should also be reflected in national legislation.*

**Keywords:** *Joint-stock company, executive bodies, trust management agreement, trade organization, contract terms, authority of management, daily activities.*

---

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, турли хилдаги иқтисодий бирлашмалар ва гуруҳлар бизнесни самарали бошқариш муаммосига дуч келадилар. Бунда юридик шахсни оператив-жорий бошқаришнинг дастлабки негизларини ишлаб чиқиш ҳамда бизнес-жараёнларни унификация қилиш муҳим ўрин тутди.

Маълумки, бошқарув - инсон фаолиятининг мураккаб турларидан бири саналади. Хўжалик жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг муайян шакллари ўрнатишнинг зарурати - давлат ва ҳуқуқ ривожланишининг объектив жараёни ҳисобланади. Хўжалик алоқалари ва ишлаб чиқариш, савдо ва молиявий фаолиятни ташкил этиш усуллари ривожланиши, техник ва технологик жараёнларнинг мураккаблашиши, бошқарув янги технологияларининг юзага келиши бугунги кунда профессионалларнинг махсус билимлари, кўникмалари ва малакасига нисбатан янги талабларни қўймоқда.

Бошқарув фойдаланиш учун махсус ўқитилиши талаб этиладиган усуллар, методлар, принциплар, инструментлар ва техникалар йиғиндисига айланди. Индустириал инқилоблар кўрсатишича, фақат бошқарув функциялари молиявий ёки техник функциялар каби муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда хўжалик жамиятлари ва турли хилдаги иқтисодий гуруҳлар доирасида қонунчилик томонидан тақдим этилган имконият - бошқарувчи ташкилот орқали бошқарув механизмларига катта эҳтиёж сезилмоқда.

И.С.Щиткинанинг фикрича, жорий бошқарувни профессионаллаштириш бошқариладиган юридик шахс учун бошқарувчи ташкилотни жалб этиш ўзига хос ютуқ бўлиб, бунинг натижасида бошқариладиган жамият фаолиятининг самарадорлиги оширилади. Бундан ташқари, бошқарувчи ташкилот бир вақтнинг ўзида бир нечта ташкилотга раҳбарликни амалга ошириш имкониятига эга бўладики, бу ҳолат бозорда рақобатлаша оладиган бир нечта иштирокчиларнинг умумий фаолиятини мувофиқлаштириш имконини беради. Бошқарувнинг бундай

усули бошқарув билан боғлиқ бўлган харажатларни барча бошқариладиган жамиятлар ўртасида тақсимлаш йўли рационал фойдаланиш ва қисқартириш ҳамда билан имконини беради [16, 54 с].

Фикримизча, жамиятнинг кундалик бошқарувини амалга ошириш учун ишончли бошқарувчини жалб этиш бошқарувни профессионаллаштириш ҳамда бизнес муҳитида компаниянинг юқори натижаларга эришишини таъминлаш механизми ҳисобланади. Бунда жамиятни бошқариш бизнесни бошқариш бўйича кўникма ва малакага эга бўлган ташкилотларга берилади ва бу орқали бошқарувдаги коррупцион омиллар бартараф этилишига эришилади. Бундай омиллар эса жамиятнинг иқтисодий ривожланиши ва истиқболда акциядорларнинг юқори дивиденд олиш имкониятига эга бўлади.

Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш яккабошчи - директор ҳамда коллегиял ижро органи (бош директор раҳбарлигидаги директорлар кенгаши) билан бирга тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи) томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун (кейинги ўринларда - ЎЗР АЖ тўғрисидаги қонуни)нинг 79-моддаси иккинчи қисмига кўра, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин.

Қайд этиш лозимки, амалдаги қонунчиликда жамиятни бу усулда бошқариш билан боғлиқ муносабатларни атрофлича тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас. Қолаверса, ишончли бошқарув институти ЎЗР ФКда асосан мол-мулкни бошқаришга нисбатан жорий этилиши назарда тутилган. ЎЗР ФКнинг 851-моддаси биринчи қисмида белгиланишича, ишончли бошқариш объектлари корхоналар ва бошқа мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб бўлган алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар, алоҳида ҳуқуқлар ва бошқа мол-мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Мазкур нормадаги объектлар жумласига фуқаролик ҳуқуқи объектлари санаб ўтилган бўлиб, ҳуқуқ субъекти бўлган юридик шахсни ишончли бошқаришга бериш назарда тутилмаган. Ушбу моддадаги "корхоналар ва бошқа мол-мулклар комплекслари" атамаси эса "юридик шахс" маъносини англатмайди. ЎЗР АЖ тўғрисидаги қонуннинг 79-моддасида назарда тутилган "ижроия органининг ваколатлари" эса ЎЗР ФКнинг 49-боби (мол-мулкни ишончли бошқариш) қоидаларига мос келмайди.

Фуқаролик ҳуқуқи назариясида ҳам юридик шахс ижроия органи ваколатларининг тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши етарли даражада ўрганилмаган. Жамият ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилишига оид нормани амалга ошириш бўйича кўплаб муаммолар бўйича юридик адабиётларда турлича фикрлар билдирилган ва айрим ҳолатларда ушбу фикрлар бир-бирини инкор этади.

Хусусан, цивилистлар орасида ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилиши тўғрисидаги шартномага нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Кўплаб мунозаралар уқонунчиликда шбу шартноманинг легал номи мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Илмий адабиётларда

бу борада турли нуқтаи назарлар билдирилган, масалан ушбу шартноманинг агентлик [13, 60-74 с] ёки меҳнат шартномаси [14, 256 с] эканлиги билдирилган. Бундан ташқари, мазкур шартноманинг ҳуқуқий табиатини аниқлашда муаллифлар бошқарувга оид шартномани воситачилик шартномаси [13, 67 с], топшириқ шартномаси [13, 67 с] ва мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси [15, 42 с] билан солиштиришади.

И.Е.Белоусованинг фикрича, ижроия органи ваколатларини бериш тўғрисидаги шартнома - корпоратив ҳуқуқий муносабатларда мустақил шартнома бўлиб, корпоратив бошқарувда иштирок этиш шартномаларига мансубдир ва унинг мазмуни ва чегаралари биринчи навбатда корпоратив қонунчилик нормалари билан белгиланади ва бу қонунчилик тартибга солишнинг мустақил предметига ва объектив жиҳатдан юридик ва иқтисодий мақсадларга эга [1, 10 с].

Шу ўринда бошқарувга оид шартнома ўзининг табиатига кўра ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасининг элементлари устуворликка эга бўлган аралаш шартнома эканлиги фикрга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Мазкур фикрни И.С.Шиткина [15, 449 с], О.В.Осипенко [10, 45 с], Н.В.Козлова [6, 52 с], Г.Рубеко [11, 34 с] каби кўплаб муаллифлар қўллаб-қувватлашади.

А.В.Богдановнинг фикрича, жамият ва уни бошқарувчи ўртасидаги шартноманинг ҳуқуқий табиати тўғрисида учта нуқтаи назар мавжуд: биринчи нуқтаи назарга кўра бу меҳнат шартномаси, иккинчисига кўра фуқаролик-ҳуқуқий шартнома, учинчиси бўйича аралаш шартнома ёки "ўзига хос турдаги шартномадир" [2, 85 с].

Жамият ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш шартномасининг аралаш шартнома эканлиги борасидаги фикрни таҳлил этишда ЎзР ФКнинг аралаш шартномага нисбатан белгиланган қоидаларига эътибор қаратиш лозим. ЎзР ФКнинг 354-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган шартнома (аралаш шартнома) тузишлари мумкин. Аралаш шартнома бўйича тарафларнинг муносабатларига, агар тарафларнинг келишувидан ёки аралаш шартноманинг моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, элементлари аралаш шартномада бўлган шартномалар тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

М.И.Брагинский "аралаш шартнома элементлари"га оид қонунчиликда белгиланган қоидани "у ёки бу шартноманинг мазмунига киритилган алоҳида ажратилган мажбуриятларни эса, балки тегишли шартномага хос бўлган мажбуриятлар мажмуини тушуниш" лозимлигини таъкидлайди [3, 68].

Е.С.Каньязовнинг фикрича, аралаш шартнома ўз ичига олган элементлардан ташкил топувчи шартномалар тўғрисидаги қоидалар билан тартибга солинади. Бироқ бу диспозитив меъёр бўлиб ҳисобланади, яъни тарафларнинг битимидан ёки аралаш шартнома моҳиятидан бошқача қоида келиб чиқмаганлиги сабабли қўлланади [7, 699 с].

Шу жиҳатдан жамият ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га бериш тўғрисидаги шартномасини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси элементлари устуворликка эга бўлган аралаш шартнома сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқдай кўринади. Лекин И.Е.Белоусова томонидан илгари сурилган хулосада ҳам муайян мантиқ мавжудлигини инкор

этиб бўлмайди. Чунки ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига бериш шартномаси фақат корпоратив муносабатларда қўлланилади ва шу боис корпоратив ҳуқуқ алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ажралиб чиқиш борасидаги фикрларлар ривожланиб бориши шароитида мазкур шартномани фақат корпоратив ҳуқуқ соҳасига хос бўлган алоҳида шартнома сифатида эътироф этиш мумкиндай кўринади. Фикримизча, ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш шартномасининг иккиёқлама табиати борасида мушоҳа юритиш тўғрироқ бўлур эди. Биринчидан бу шартнома фуқаролик-ҳуқуқий шартнома сифатида ўзининг алоҳида номига эга эмас ва бу ҳолат, мазкур шартноманинг фуқаролик қонунчилигида белгиланмаганлигидан келиб чиқади. Иккинчидан эса ушбу шартнома фақат тор доирадаги субъектлар ўртасида ўзига хос муносабатларни белгилаш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу боис жамият ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш шартномасини корпоратив-ҳуқуқий шартнома сифатида эътироф этиш ва уни таснифлашга нисбатан фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга хос бўлган умумий қоидалар ва мезонларни қўлламаслик мақсадга мувофиқдир. Албатта, бу ўринда мазкур шартномага нисбатан фуқаролик қонунчилигидаги битимлар, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидаларни қўллаш инкор этилмайди. Фақат бу шартномани таснифлаш ва унинг ўрнини, қайси шартномаларга гуруҳига мансублигини таснифлашга эҳтиёж мавжуд бўлмайди. Шу сабабли ушбу шартномага нисбатан ФКда мавжуд бўлган шартномавий конструкциялар, хусусан, мол-мулкни ишончли бошқариш, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, воситачилик, топшириқ каби шартнома моделларидан эмас, балки мустақил шартномавий конструкция моделини яратиш ва ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ушбу шартнома моделини яратиш учун аввало мазкур шартноманинг предмети, субъектлари ва мазмунидан келиб чиқиш зарур.

Юқорида таъкидланганидек, ЎзР АЖ тўғрисидаги қонуни 79-моддаси иккинчи қисмида жамият ижроия органининг ваколатлари тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилди. Ушбу модданинг биринчи қисмида ижроия органлари жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколатига эғалиги белгиланган. Шу боис "ваколат" ва "жорий фаолият" категорияларининг тушунчасини аниқлаб олиш лозим.

Юридик адабиётларда юқоридаги тушунчаларнинг таърифи айнан юридик шахс органларига нисбатан етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Айрим муаллифлар бу тушунчаларни "тегишли органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини" санаш билан чекланадилар ва "қўйилган вазифаларни бажариш учун бошқарув органига юкланган ваколатлар йиғиндиси" сифатида талқин этадилар[4, 178 с]. Бошқа гуруҳ муаллифларининг фикрича, ижроия органининг ваколатлари бир-бири билан узвий боғланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндисини ифодаловчи компетенцияларнинг бир қисмидир[12, 71 с]. Эътироф этиш лозимки, давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ва конституциявий ҳуқуқ назариясида ваколат деганда ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси тушунилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жорий фаолият тушунчаси каби ваколат тушунчаси ҳам ёритилмаган. Адабиётларда ушбу муаммога кам эътибор қаратилган. Айрим муаллифлар ваколат деганда жамият жорий фаолияти жараёнида амалга

ошириладиган ҳаракатларни санаш билан чекланишса[9, 124 с], "жорий фаолият" тушунчаси жамиятнинг бошқариш ҳуқуқий муносабатлардаги раҳбарлиги сифатида талқин этишади[12, 80 с].

Фикримизча, жамият ижроия органларининг ваколатлари қонун ҳужжатлари ҳамда жамият уставида назарда тутилган жамиятни бошқаришга оид ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси бўлиб, уларни амалга ошириш эса кундалик фаолиятга раҳбарлик қилишни ифодалайди. Албатта, ижроия органнинг ваколатлари жамият учун стратегик аҳамиятга эга бўлган қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмайди. Шундай бўлсада, ижроия орган ваколатлари, яъни жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш шартнома предмети сифатида жамиятнинг иқтисодий фаолиятини учун ўта муҳим саналади ва унинг доираси ва мазмунини шартномада ифодалаш ўта муҳим ва шу билан бирга мураккаб жиҳат саналади. Бундан ташқари, қоидага кўра ишончли бошқарувчи ижроия орагани ваколатини амалга ошириш доирасида жамиятда ишлайдиган ходимлар штатини тасдиқлайди, юридик шахснинг барча ходимлари бажариш учун мажбурий бўлган буйруқларни чиқаради ва беради, ходимларни ишга олиш ва бўшатиш, уларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади. Бунда ишончли бошқарувчига мазкур ҳаракатларни амалга ошириш учун ишончнома берилиши талаб этилмайди ва унинг ҳаракатлари жамиятнинг устави ва у билан тузилган шартномага асосланади.

Жамият ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш шартномасининг ўзининг табиатига кўра тадбиркорлик фаолияти соҳасида амалга ошириладиган консенсуал, ўзаро, икки томонлама, ҳақ эвазига тузиладиган шартнома ҳисобланади[8, 114 с].

Фуқаролик ҳуқуқида консенсуал шартномалар деганда, оферта йўллаган томоннинг ўз офертасига акцепт олган пайтда ёки шартноманинг муҳим шартлари юзасидан тарафлар келишувга эришган пайтда тузилган деб ҳисобланадиган шартнома ҳисобланади. Реал шартнома агар қонунга мувофиқ шартнома тузиш учун мол-мулкни топшириш ҳам зарур бўлса, шартнома тегишли мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 365-моддаси иккинчи қисми). Ижроия органлари ваколатларини тижорат ташкилотига бериш шартномаси номланмаган шартнома бўлганлиги ва ЎЗР ФКнинг 364-365-моддаларига мувофиқ ишончли бошқарувчи ва ишончли бошқаришга бериладиган юридик шахс ўртасида шартноманинг барча муҳим шартлари тўғрисида белгиланган шаклда келишувга эришилган пайтдан тузилган ҳисобланади.

Тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)нинг ижроия органи ваколатларини амалга ошириши эса тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосланади ва уни бажариш орқали таъминланади. Шу боис мазкур номланмаган шартномани консенсуал шартнома сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗР ФКнинг 101-моддаси учинчи қисмига кўра, шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоҳиш билдирган бўлиши керак. Ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига бериш шартномасини тузиш учун икки томон: тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи) ва бошқариладиган жамиятнинг розилиги талаб этилиши сабабли ушбу шартномани икки томонлама шартнома сифатида эътироф этиш ўринли.

Жамият ижрои органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқаришга) бериш шартномаси икки томонлама шартнома ҳисобланади. Чунки, шартноманинг иккала томонида ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлар мавжуд бўлади. Масалан, шартнома бир томондан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади ва жамият ишончли бошқарувчига ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олса, ишончли бошқарувчига жамият ижроия органлари ваколатларини амалга ошириш юкланади.

Ишончли бошқарувчи томонидан жамият манфаатлари йўлида амалга оширилган ҳаракатлари учун жамият ҳақ тўлаши лозимлиги сабабли ушбу шартномани ҳақ эвазига тузиладиган шартнома сифатида эътироф этиш лозим.

Бугунги иқтисодий муносабатларнинг мураккаблашуви, хўжалик алоқаларнинг такомиллашиб бораётганлиги йирик корпорациялар ва компанияларни бошқариш, уларнинг жорий фаолиятини олиб боришда малакали ва иқтисодий бошқарув бўйича билим ва кўникмага эга бўлган мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи бўлишини талаб этади. Бу эса ўз навбатида, қонунчиликда улар фаолиятини ҳуқуқий тартиботини белгилайдиган ва мазкур муносабатларни тартибга соладиган нормалар бўлишини тақозо этади. Миллий қонунчиликда эса АЖ ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш тўғрисидаги шартноманинг моҳияти ва мазмунига доир аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Бундан ташқари ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам ушбу шартноманинг амал қилиши бўйича мавжуд кўникмалар шакллантирилмаган ва унинг қўлланиши ҳолатлари ҳам деярли учрамайди. Шу муносабатлар билан ЎзР АЖ тўғрисидаги қонунга ижроия органи ваколатларини тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) бериш шартномасининг тушунчаси, предмети, мазмуни ва шакли ҳамда расмийлаштиришга оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Белоусова И.Е. Правовое регулирование механизма передачи полномочий единоличного исполнительного органа юридического лица управляющей организации: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - М.: 2013. - 10 с. (Belousova I.E. Legal regulation of the mechanism for transferring the powers of the sole executive body of a legal entity to a managing organization: dis. ... cand. jurid. sciences. - Moscow: 2013. - 10 p.)
2. Богданов А.В. Юридическая конструкция договора между акционерным обществом и лицом, осуществляющим функции его единоличного исполнительного органа // Вестник пермского университета. 2011. - № 2 (12). - С. 85. (Bogdanov A.V. The legal construction of an agreement between a joint-stock company and a person exercising the functions of its sole executive body // Vestnik Permskogo Universiteta. 2011. - No. 2 (12). - P. 85.)
3. Брагинский М. Непоименованные (безымянные) и смешанные договоры // Хозяйство и право. 2007. № 10. С. 68-79. (Braginsky M. Unnamed (unnamed) and mixed contracts // Economy and law. 2007. № 10. P. 68-79.)
4. Гражданское право: Учеб.: В 3 т. / Н.Д. Егоров, И.В. Елисеев и др.; Отв. ред. А.П. Сергеев, Ю.К. Толстой. 6-е изд., перераб. и доп. М.: ТК Велби; Проспект, 2005. Т. 1. 178с. (Civil law: Textbook: In 3 volumes / N.D. Egorov, I.V. Eliseev and others; Otv. Ed. A.P. Sergeev, Yu.K. Tolstoy. 6 th ed., Revised. and additional. M.: TK Velby; Prospect, 2005. T. 1. 178 pp.)
5. Зинченко С., Казачанский С., Зинченко О. Спорные вопросы правового статуса органов управления общества с ограниченной ответственностью // Хозяйство и право. 1999. - № 7. - С. 42. (Zinchenko S., Kazachansky S., Zinchenko O. Controversial issues of the legal status of the management bodies of a limited liability company // Economy and Law. 1999. - № 7. - P. 42.)

6. Козлова Н.В. Гражданско-правовой статус органов юридического лица // *Хозяйство и право*. 2004. - № 8. - С. 52. (Kozlova N.V. Civil status of legal entity bodies // *Economy and law*. 2004. - No. 8. - P. 52.)
7. Комментарий к Гражданскому кодексу Республики Узбекистан т. 1. (часть первая). - Т.: "Vektor-Press", 2010. - 699 с. (Commentary on the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, Volume 1 (part one). - T.: "Vektor-Press", 2010. - 699 p.)
8. Кытманова А.А. Правовая природа договора на управление юридическим лицом // - 114 с. (Kytmanova AA The legal nature of the contract for the management of a legal entity // - 114 p.)
9. Могилевский С.Д. Органы управления хозяйственными обществами: Правовой аспект / С.Д. Могилевский; Акад. нар. хоз-ва при Правительстве РФ. - М.: Дело, 2001. - 124 с. (Mogilevsky S.D. Management bodies of economic companies: Legal aspect / S.D. Mogilev; Acad. b. at the Government of the Russian Federation. - Moscow: The Case, 2001. - 124 p.)
10. Осипенко О.В. Управляющая компания в системе корпоративного управления акционерным обществом // *Акционерное общество: Вопросы корпоративного управления*. 2003. - № 6 (7). - С. 45. (O. Osipenko. Managing company in the system of corporate governance of the joint-stock company // *Joint Stock Company: Corporate Governance Issues*. 2003. - No. 6 (7). - P. 45.)
11. Рубеко Г. Исполнительные органы акционерных обществ: особенности правового статуса / *Хозяйство и право*. 2005. - № 12. - С. 34. (Rubeko G. Executive bodies of joint-stock companies: peculiarities of legal status // *Economy and law*. 2005. - No. 12. - P. 34.)
12. Сергеев А., Терещенко Т., Игнатенко А., Кирдяшкин Д. Некоторые аспекты разграничения компетенции органов управления акционерного общества // *Хозяйство и право*. 2005. № 7. С. 71. (Sergeev A., Tereshchenko T., Ignatenko A., Kirdyashkin D. Some aspects of differentiation of the competence of the management bodies of the joint-stock company // *Economy and Law*. 2005. No. 7. P. 71.)
13. Степанов Д.И. Компания, управляющая хозяйственным обществом // *Хозяйство и право*. 2000. № 10. С. 60-73. (Stepanov D.I. The company that manages the economic society // *Economy and Law*. 2000. No. 10. P. 60-73.)
- Тихомиров М.Ю. Общество с ограниченной ответственностью: органы и структура управления. - М.: 1998. 256 с. (14. Tikhomirov M.Yu. Limited liability company: bodies and management structure. - Moscow: 1998. 256 pp.)
14. Шиткина И.С. Холдинги: правовое регулирование и корпоративное управление: Науч.-практ. издание / И.С. Шиткина. М.: Волтерс Клувер, 2008. - 449 с. (Shitkina IS Holdings: legal regulation and corporate governance: Scientific-practical. publication / I.S. Shitkina. Moscow: Volters Kluver, 2008. - 449 p.)
15. Шиткина И.С. Организация управления холдингом посредством управляющей организации, действующей как единоличный исполнительный орган дочерних обществ / *Хозяйство и право*. 2005. № 9. С. 54. (Shchitkina IS Organization of holding management through a management organization acting as the sole executive body of subsidiaries // *Economy and Law*. 2005. No. 9. P. 54.)